

ISHONCH

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

**Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясининг
37-моддаси**



**Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида**

АНГЛАШ ВА ЕТКАЗИШ МАСЪУЛИЯТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси таркибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган “Сиёсий ислохотлар жараёнида ОАВларининг ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Саифназаров кириш сўзи билан очиб, ушбу Қонун лойиҳаларини оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг аҳамияти нечоғли муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан биргаликда, оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўзлари ҳам дастлаб мазкур Қонун лойиҳасининг мазмун ва моҳиятини теранроқ тушуниб олиши кераклигига алоҳида урғу берди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов умумхалқ муҳокамасига киритилган Конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳиятини очиб берар экан, фуқаролик жамияти асослари қурилаётган ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг фаоллиги, ўз вакилларига бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишларни тўла-тўқис тушутиришлари лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, аъзоси мустақил фикрлай оладиган, шарқона одоб билан иқтисодий ва ижтимоий мавзуларда бемалол ижобий баҳсга қодир, қоғозга қараб эмас, халқнинг кўзига қараб гапирадиган бўлсагина, партия сиёсий куч сифатида ўзини намойн қила олади. Партия нафақат ўз газетаси, балки бошқа матбуот нашрлари, ижодий интеллигенция билан баҳамжиҳат иш олиб бориши керак.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари, тажрибали журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Довуд МАДИЕВ,
“Ишонч” мухбири

Репортаж

Бугунги кунда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётганлиги юртимиз номини дунёга тобора машҳур қиляпти. Аини пайтда ёшларимиз орасида яна кўплаб чемпионлар етиштириб чиқаришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу ишни амалга оширишда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмалари ҳам четда тургани йўқ. Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари спорт коллежида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги анъанавий спартакиадада ана шу ҳақиқат яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари қошидаги жисмоний тарбия ва спорт жамиятларига қарашли БЎСМларнинг маҳоратли спортчилари иштирок этишди. Катнашчилар мини футбол



(ўғил болалар), енгил атлетика, стритбол (қизлар), кураш (ўғил болалар) ва арқон тортиш турлари бўйича уч кун давомида ўзаро баҳс олиб боришди. Мусобақалар ниҳоятда қизиқарли ва мурасасиз курашлар остида кечди.

— Спорт инсон танаси, ақл ва руҳини камолга етказувчи мўъжиза ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, спартакиада ташкилий кўмитаси раиси Озода Муҳитдинова. — Ундаги мураккаб ва минглаб нозик қирраларни кишилар ҳайрат билан кузатишади. Буни гўзаллик яратишнинг ўзига хос усули дейиш мумкин. Ана шу нафосатга ташналик халқимиз қалбида чуқур илдиз отган десак, янглишмаймиз. Айниқса, ёшлар ўртасида спортнинг кенг оммалашганидан ҳам буни сезиш қийин эмас. Пре-

зидентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизлардаги туғма қобилиятни тарбиялаб юзага чиқариш борасида кўрсатилган улкан ғамхўрликни дунёнинг бошқа жойида кузатиш мушкул. Кўпмиллионли аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўсиб келаётган авлоднинг спортга бўлган ҳавас ва иқтидорини ўстиришга катта улуш қўшиб келмоқда. Мазкур спартакиада уларнинг маҳоратини кўриқдан ўтказиб, бу соҳада касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг сарҳисобини белгилади.

Мини футбол баҳсларида ўғил болалардан иборат жамоалар бир-бирларига қарши қизгин сурбатда тўп суришди. Илк саралаш мусобақаларида бу яққол кўзга ташланди. Аксар ўйинларда жамоаларнинг

нозик комбинацияларни амалга оширишда кучлар нисбати тенглиги намён бўлди. Мисол учун, Фарғона вилояти ва Сирдарё вилояти футболчилари ўртасида кечган баҳс ҳар иккала жамоа ўйинчиларининг тўп узатиш маҳорати, рақибларини усталик билан алдаб ўтиши юқори даражада эканлиги билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу

дадиллик ва қатъият билан интилиши ҳар бир ўйинда яққол кўзга ташланди. Бунда жамоаси ўйинини қовуштиришга ҳисса қўшган иқтидорли стритболчи қизларнинг маҳорати алоҳида ўрин тутди. Сирдарёлик Ирина Попова, қашқадарёлик Милана Брудер, Тошкент вилоятилик Дилафрўз Умарова, Юлдуз Тошпўлатовани ана шундай спортчилар сифатида санаш мум-

ров, 65 килограмм вазнда сурхондарёлик Суннатулло Ғофуров ва қашқадарёлик Бекзод Қаршиев сингари ёш полвонларнинг бақувват ва чапдастликларини айтмаслик мумкин эмас.

Арқон тортиш тўй ва маросимларимизда азалдан ўтказиб келинадиган қизиқарли, аини пайтда катта куч талаб қиладиган ўйин ҳисобланади. Эътиборлиси кўп ҳолларда дастлаб устунлик қилаётган томон тўсатдан ғалабани бой беради. Бунга асосий сабаб жамоадошларнинг арқон тортишда кучни бир ерга тўплаб қилинган ҳаракатни охиригача ушлаб қолмаслигидадир. Жамоаларнинг бу борада куч синашиши тасодифий яқунлар

ЁШЛИКНИНГ УЛУҒ ОРЗУЛАРИ

анъанавий спартакиада барчада илиқ таассурот қолдирди

ўз навбатида ўйиннинг кескин курашларга бой бўлишини таъминлади. Айниқса, фарғоналиклар ҳужумчиси Аъзам Абдуллаевнинг рақиб жамоа дарвозасига йўллаган кучли зарбалари, қарама-қарши гуруҳ вакили Мурод Муқимовнинг ўз жамоадошларига чиройли усулда тўп ошириши мухлислар олқишини қозонди. Лекин кимдир ютиши керак. Омад Фарғона вилояти жамоасига кулиб боқди. Шунингдек, Самарқанд — Тошкент, Андижон — Қашқадарё, Жиззах — Бухоро, Наманган — Хоразм каби вилоятлар жамоаларининг учрашуви ҳам ана шундай қизиқарли тусда ўтди. Кейинги босқич баҳсларида Тошкент шаҳри, Наманган, Бухоро ва Сурхондарё вилояти футболчиларининг ўз рақибларига қарши тўп суриши янада жонланди.

Енгил атлетика бўйича беллашган спортчилар югуриш, узунликка сакраш борасида маҳоратларини намойиш этишди. Ўсмир ўғил-қизлардаги шиддат-шижоатни кўриб спортимизнинг ушбу тури жадаллик билан ривожланаётганига гувоҳ бўлдик. Мураббийлар ўз шогирдларининг иштирокини синчковлик билан кузатиб ютуқ ва камчилигини тўла маънода аниқлаш имконига эга бўлишди. Бу ўз навбатида улар учун галдаги иш услубини самарали давом эттиришда мактаб вазифасини ўтади.

Стритболчи қизлар ўртасидаги мусобақалар янада қизиқарли кўриниш касб этди. Жамоаларнинг ғалаба сари

кин. Улар тўп билан ғоят чаққон ҳаракатланиш, рақибга чап бериб, тўпни шериғига ошириш ва ҳалқага осонлик билан тушириш борасида бошқалардан ажралиб турди.

Спартакиаданинг миллий спорт турлари беллашувидан жой эгаллаган кураш ва арқон тортиш мусобақалари ўзгача бир руҳда кечди. Айниқса, мураккаб усулларни ўзида жамлаган кураш баҳслари кўплаб ёш

полвонларни кашф этди. Турли вазндаги иштирокчилар гиламда куч ва маҳоратларини ишга солишди. Рақибга қарши усул қўллашда эпчиллик, билак кучи ёрдамида даст кўтариб йиқитиш хусусиятларини ўзлаштирганликлари уларнинг етуқ курашчилар бўлиб шаклланаётганидан дарак беради. 42 килограмм вазнда сурхондарёлик Фуломжон Раҳимов, 46 килограмм вазнда Сурхондарё вилоятидан Собир Холтўраев, 54 килограмм вазнда Жиззах вилояти вакили Алишер Абдужаббо-

билан завқли кечди. Арқон тортишда бақувватлик билан бирга уни назорат қила олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини тушуниб беллашганларгагина зафар ёр бўлди.

Шиддатли ва ҳаяжонга тўла кечган мусобақалар якунида ғолиблар номи аниқланиб, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
“Ишонч” мухбири



Мусобақа натижалари

КУРАШ

42 килограмм вазнлилар:

- I. Фуломжон Раҳимов (Хоразм вилояти)
- II. Отабек Ўзбеков (Қашқадарё вилояти)
- III. Азамат Жўраев (Тошкент вилояти)

46 килограмм вазнлилар:

- I. Собир Холтўраев (Сурхондарё вилояти)
- II. Шаҳзодбек Собиров (Хоразм вилояти)
- III. Фарҳод Алимов (Тошкент вилояти)

54 килограмм вазнлилар:

- I. Шерзод Норқулов (Сурхондарё вилояти)
- II. Алишер Абдужабборов (Хоразм вилояти)
- III. Жамшид Одилжонов (Қашқадарё вилояти)

65 килограмм вазнлилар:

- I. Суннатулло Ғофуров (Сурхондарё вилояти)
- II. Аброр Элмуродов (Жиззах вилояти)
- III. Бекзод Қаршиев (Қашқадарё вилояти)

МИНИ ФУТБОЛ

- I. Тошкент вилояти жамоаси
- II. Тошкент шаҳри жамоаси
- III. Фарғона вилояти жамоаси

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Қизлар гуруҳи:

- I. Диёра Рустамова (Сурхондарё вилояти)
- II. Людмила Козлова (Тошкент шаҳри)
- III. Валерия Канатова (Тошкент шаҳри)

Ўғил болалар гуруҳи:

- I. Миржалол Алижонов (Жиззах вилояти)
- II. Данил Филипов (Тошкент шаҳри)
- III. Никита Ложков (Тошкент шаҳри)

СТРИТБОЛ

- I. Тошкент шаҳри жамоаси
- II. Андижон вилояти жамоаси
- III. Тошкент вилояти жамоаси

АРҚОН ТОРТИШ

- I. Тошкент вилояти жамоаси
- II. Сурхондарё вилояти жамоаси
- III. Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА

- I. Тошкент вилояти.
- II. Сурхондарё вилояти.
- III. Тошкент шаҳри

Орамиздаги одамлар

Телефон тун осойишталигини бузиб тинимсиз жиринглаб эндигина кўзи илинган Оразгулни уйғотиб юборди. Уйқусираб гўшакни кўтарди. Касалхонадан сим қоқишаётган экан.
— Аспантой овулидан келтирилган беморнинг ахволи ҳаммани безовта қилапти. — деди бош ҳамшира Марина Тўлаганова ташвишланиб.
Бунга эшитиб, Оразгулнинг кўзлари мошдек очилиб кетди.
— Хозир етиб бораман.
Апил-тапил кийиниб навбатчи машинани ҳам кутиб турмай, шифохонага отланди. Етиб келганида Гулбахор исмли 10 ёшлардаги киз дард билан олишиб ётарди. Муолажа қилишгани билан иситмаси тушмапти.

Бош педиатр Аноргул Сафарова билан маслаҳатлашиб, кўшимча дори-дармон тайинлади, муолажалар ўтказди. Орадан анча вақт ўтгач бемор кўзини очиб, синик жилмайди. Бу пайт теварак-атрофдаги ховлилардан хўрозлар кичкириги эшитилаётган эди.
— Опа, уйингизга бориб дам олинг, — деди ҳамшира бош врачнинг ҳорғин кўзларига тикилар экан.

— Тонг ёришиб қолди, — деди оқ халати ўзига ярашиб турган опахон. — Бошқа бўлимларни айланиб, аҳвол билан танишаман.

Мана 23 йилдирки, Оразгул Низомиддинова кичкинтойлар дардига даво топиш учун ором билмайди. Меҳнат фаолиятини оддий врачликдан бошлаган қорақалпоқ кизи бўлим мудирини, бош шифокор ўринбосарини вазибаларини сидқидилдан адо этиб, элда хурмат қозонди. Тўрт йилдан бери етмиш олти минг аҳолиси бўлган Кегайли туман марказий шифохонасининг бош ҳакими.

Хизмат кўрсатиш доираси 285 километрли масофани эгаллаган ҳудудда 23 минг нафар туғиш ёшидаги аёллар, 22 мингдан зиёд ёш болалар бор. Турли миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилаётган Оролбўйининг олис туманида аҳоли саломатлигини мустақамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Туманда 380 ўринли марказий шифохона, 2 та поликлиника, 15 та овул врачлик пунктлари ишлаб турибди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ Кувончжарма, Бўзжоп, Мевазор, Дарвозакум, Жданқул каби аҳоли истиқоматгоҳларида ҳар бири 11-12 мил-

этибор аҳоли соғлиғини мустақамлашга қаратилган.

Амалга оширилаётган ишлардан ўртак олсак арзийди. Туман ҳокими Пўлат Иматовнинг ёрдами билан тадбиркорлардан 22 миллион сўм маблағ тўпланиб, 47 ўринли туғруқхона мажмуаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. 12 миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олинди. 10 миллион сўм маблағ сарфланиб, Оролни қўтариш халқаро жамғармаси ёрдамида "Тез ёрдам" бўлими реконструкция қилинди, олис манзилларда фойдаланиш учун 3 та рация ускунаси, 1 та "Дамас" автомобили келтирилди. Канализация тармоқлари таъмирланди.

Қазонкетган овулига бориб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди. Овул врачлик пункти мудирини С.Усенов, акушер-гинеколог Т.Кутлимуродова, хирург Б.Хўжабоев, кардиолог У.Шайпурушовалар ҳар бир кишининг соғлиғини обдон кўздан кечириб, тегишли маслаҳатларни бердилар, муолажа ўтказдилар.

Болаларнинг меҳрибон шифокори Оразгул умр йўлдоши, фермер хўжалиги бошлиғи Муродбой Асомиддинов билан тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказишяпти. Уларнинг Гулбону исмли кизи она касбини танлаб болалар врачини бўлиш учун олий ўқув муассасасида таълим оляпти.

Мамлакатимизда ҳар томонла-



лион сўмлик лойиҳа қийматига эга 5 та врачлик пункти қурилди.

Олий тоифали шифокор Жаннилин Эрмеқбоева бошчилик қилаётган Халқобод кўрғонидagi Жузунбоғ шифо маскани атрофи ям-яшил дарахтлар билан ўралган санаторийга ўхшайди. 50 қатновга мўлжалланган врачлик пункти замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тўрт ўринли кундузги бўлим, физиотерапия, ЭКГ, хотин-қизлар маслаҳатхонаси, ДОТС, тиш даволаш хоналари хизмат кўрсатмоқда. Олий тоифали акушер-гинеколог Гулпаро Утениёзова, тажрибали ҳамшира Шоҳида Усенова, Зоя Болтаниёзова сингари қўли энгил шифокорлардан даво топаётган беморларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитиш, айниқса, мароқли.

— Инсон беғубор табиат кўнида камол топади, — дейди биз билан суҳбатда Оразгул Низомиддинова. — Минтақанинг ноқулай демографик шароитида асосий

Ёши етмишни қоралаган, қарийб ярим асрдан бери халққа астойдил хизмат қилиб келаётган болалар бўлими шифокори Райим бобо Худойбергенов шифокорларнинг ҳақиқий устозига айланган. Туғруқ бўлими мудираси, олий тоифали акушер-гинеколог Бахт Бозорбоева, соғлиқни сақлаш аълоҳиси Кеулумжой Мамбетмуродов, поликлиника бош врачлари Боғдагул Гулимова, Азима Камолова, қўли энгил доя Гулноза Сайидназарова, болалар маслаҳатхонаси раҳбари Дилбар Жабборбергеноваларнинг номларини хурмат билан тилга олишади. Улар сафида биринчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси доя Хадича Худенова, иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланган болалар врачини Олтин Икमतвалар борлигидан фахрланишади.

Бош врач раҳбарлигида малакали шифокорлардан ташкил топган гуруҳ 1,5 минг нафар чорвадор умргузаронлик қилаётган

ма соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қўшган катта ҳисаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, соғлом турмуш тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун Президентимиз Фармонига асосан Оразгул Низомиддинова биринчи ва иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" орденлари билан мукофотланган. Туманда бўлганимизда Каримбердиев номли фермерлар уюшмасида яшовчи 82 ёшли Матали Эмжаров, Ҳабибуллаев фермерлар уюшмасидан Нуратдин ота Сейфатдиновларни учратиш қолдик. Улар халққа сидқидилдан хизмат қилаётган Оразгул ва у бошлиқ тиббиёт ходимларининг меҳнатидан рози эканликларини айтиб, узундан-узоқ дуо қилдилар. Кексаларнинг дуолари ижобат бўлиб, шифокорларнинг иши бароридан келяпти.

Иzzат ҲИКМАТОВ, "Ишонч" мухбири

Конун барчага баробар

Тўғри йўл қолиб...

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун ҳуқуқий асослар яратилган. Ишла, даромад қил, бироқ конунни бузма. Тадбиркорга талаб шундай. Афсуски, баъзи фуқаролар товар олиб келиш ва сотиш қоидаларини бузишяпти.

Х.Дўлтаева ҳеч қандай ҳужжатсиз 100 та "баклашка"даги спиртни 240.000 сўмга сотаётган эди. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмади. Товар олиб қўйилиб, спирт билан ноқонуний савдо қилган аёлга нисбатан суд томонидан тегишли жазо белгиланди.

Худди шунингдек, Ш.Султонова ҳам қилган ишидан пушаймон. У Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 250 шиша "Пшеничная" ароғини 150.000 сўмга сотган пайтда ушланди. Экспертиза ушбу ароқлар истеъмолга яроқсиз деб хулоса берди. Конунни бузган аёл жаримага тортилди.

Ҳар икки ҳамюртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли руҳсатнома йўқ. Устига устак улар юртимизга ноқонуний олиб келинган спирт ва ароқ маҳсулотлари билан савдо қилмоқчи бўлганлар. Табиий савол туғилади. Агар фуқароларимиз ана шу истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни сотиб олишганида нима бўларди?

Тўғри йўл қолиб, қинғир ишга қўл урганлар қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Қолаверса, ҳар биримиз харидор сифатида олаётган маҳсулотимиз сифатлими, ҳужжати борми, дея сўрашни одат қилишимиз керак. Ана шунда кўнгилсизликлардан ўзимизни асраган бўламиз.

М.ҒУЛОМОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Эгаси бор юртнинг, эртаси бордир



Данғарадаги янгидан шаклланган мактабларда ўқитувчи ва ўқувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Хоналар шинам, компьютерлашган, лингофон ва бошқа кўшимча зарур жиҳозлар, қўлланмалар дарс жараёни кўнгилдагидек ўтишини таъминляпти. Гапнинг ростини, мактабларда ва синфхоналарда бўлган киши ўзини энг ривожланган давлатлардаги илм масканларига кириб қолгандай ҳис этади.

Фарзандлар камол топаётган ана шундай жойларнинг моддий ахволи илгарилари қанчалик қийин шароитда эканлиги маълум. Мактаб директорлари синфхоналар етишмагани боис битта кўшимча хона қуриб олиш учун қанчадан қанча идоралар эшигида сарғайишга мажбур эдилар.

Келажакни ўйлаган халқ, миллат борки фарзандлари, ўсиб-улғайиб келаётган авлодининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишини орзу қилади. Бунинг учун куч-ғайратини аямайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конунини ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ана шу буюк мақсадга йўналтирилган. Бундан ташқари, қатор Фармон ва қарорлар мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базаси ва Давлат таълими стандартларини шакллантириш, ўқитувчи олов-этиборини ошириш, меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган хайрли ишлар қатъиятлик билан олиб боришмоқда.

Энди-чи, ўзини ўзи иқтисодий бошқариш ва моддий таъминлаш учун шароит яратиб қўйилди. Гектарлаб ер майдони бор: жамоа ва ўқувчилар дарсдан ташқари бўш пайтларида ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишади. Меҳнатлариغا яраша миллионлаб даромад олишяпти. Бу — илғор ўқитувчиларни кўшимча рағбатлантиришга, кам таъминланган ўқувчиларни қўллашга ва ҳатто, мактаб қуришга омил бўляпти.

Туманнинг соҳа мутахассислари бу ишнинг ҳадисини олишган. Масалан, кейинги даврда 36 та мактабнинг кутубхоналари қайта қурилиб,

китоб фонди жаҳон адабиёти дурдоналари, миллий истиқлол гоғлари билан йўрилган қўлланмалар ҳамда ижодкорларнинг намуналарига тўлдирилди. Зарур дарслик ва қўлланмалар учун ҳеч қим вақт сарфлаб туман маркази ёки бошқа жойга бориб юрмайди.

Ўн беш йилдирки, ўқувчилар мактаб даврида турли ишларга жалб этилишидан халос қилинган. Аксинча, улар соғлом ва бақувват ўсиши, бўш вақти самарали ва мазмунли ўтиши учун «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси ҳамкорлигида истиқболли режалар тузилган. Унга кўра, барча илм масканларида жаҳон

талабларига жавоб берадиган даражадаги спорт иншоотлари қурилиб, мутахассислар жалб этилган ҳамда ўқувчилар доимий равишда шуғулланиб келаётир.

Таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчи-кадрлар тажриба ва маҳоратини яхшилаб, уларни янги педагогик усулларда дарс ўтиб, ўқувчиларда чуқур билим-кўникмаларини ҳосил қилишга ўргатишга ҳам тобора жиддийроқ ёндошилмоқда. Ҳар чоракда олтига фан танлаб олиниб, мониторинг ўтказиб борилиши ҳам илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини оммалаштиришда, бир соатлик дарс ўтиш жараёнига тайёргарлик кўриш ва бу борада юзаки ёндошаётганларни аниқлаб олишга имкон бермоқда.

Мониторингнинг афзаллиги шундаки, таҳлилларда кимнинг ким эканлигини аниқлаш ва биринчи галда дарс самарадорлигини ошириб, муаллимни баҳолашда қўл келади. Шу усулда иш олиб борилаётгани ёмон натижаларни бермаяпти. Ўнлаб халқ таълими аълоҳислари, тажрибали мутахассислар етишиб чиққани ҳам беҳиз эмас. 5-мактабнинг тарих, француз тили ўқитувчилари Марғубахон Турғу-

Ким эдигу, ким бўлди

нова, Бурхонжон Ақромов, 2-мактабнинг тасвирий санъат муаллими Баҳодиржон Бердиқулов сингари фан фидойилари иш тажрибалари "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" номинациясига қўйилганининг ўзи кўп нарсани аңглатади.

Яна бир гап: авваллари кластер, интернет деган иборалар истеъмолимиздан йироқ эди. Болаларни қўяйлиғу ҳатто, катталар ҳам бу иборани эшитса, ҳайрон қоларди. Ҳозир лол қолишининг пайти ўтган, қишлоқда туриб ўқувчи дунё воқеаларидан интернет орқали хабардор бўлиши учун шароит яратилмоқда.

Данғаралиқлар дастуридан бу масала кенг ўрин олган: жорий ўқув йилидан 3,14,16 ва 39-ўрта мактаблар кластерга, 2009 йилга бориб эса барча илмоҳлар яъни интернетга улалиши режалаштирилган.

Мактаб инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган сай-ҳаракатларнинг фақат бошланиши бу. Муҳими, соҳани ривожланган давлатлар таълим тизими даражасига етказиб олишни бош мақсад қилиб қўйган катта қарвон йўлда дадил давом этияпти...

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Ишонч" мухбири

Хикоя

**Ўшанда универси-
тетнинг кечки бўли-
мида ўқиб, респуб-
лика ёшлар газета-
сида ишлардим.
Хам ишлаб, хам
ўқиганим учун вақ-
тим доимо тигиз
эди. Барибир
ёшликнинг ўзига
хос гашти бор. Биз
курсдошлар адаби-
ёт ва умуман ҳаёт
хақида соатлаб
баҳслашардик. Ҳар
биримизнинг ўз
қарашимиз борлиги-
дан баҳсимиз туга-
масди.**

Бир куни таҳририятда уш-
ланиб қолдим. Нима қили-
шимни билмай турган эдим,
хонага бирга ишлайдиган
курсдошим Собит кирди.
Ундан талабалар шаҳарчаси-
га қатнайдиغان маршрутли
таксига навбат олиб кўйи-
шини илтимос қилдим. Йи-
гирма дақиқалар чамаси
вақт ўтгач, кўчага чиқдим.
Навбатимиз анча яқинлашиб
қолганди. Олдинроқда тур-
ган ўрта ёшли киши бир аёл-
га ўшқирди.

— Одамларда ҳеч инсоф
қолмаган-да. Ҳозиргина ке-
либ, навбатга тикилишди.

Аёл сийрак қошларини
чимирганча миқ этмай тура-
верди.

— Тавба, киши шунақаям
безбет бўладими?!

Ниҳоят аёл тилга кирди.

— Яқинда операциядан
чиққанман. Менга кўп туриш
мумкин эмас, — деди кўзла-
рини сузганча.

Ҳалиги киши яна авжига
чикди.

— Сизда уят бўлса, шуни
вақтлироқ айтардингиз.
Қолаверса, касалга ҳам
ўхшамасиз.

У атрофдагиларга савол
назари билан қаради. Ён-
веридогилар унинг гапини
тасдиқлаб, бош иргашди.
Кейин ҳалиги киши менга
ёпиша кетди.

— Яхши йигит, у аёлнинг
кимлиги маълум. Ёки сиз
ҳам яқинда операциядан
чиққанмисиз?

Унинг бу саволидан мен
тугул Собит ҳам довдираб
қолди.

Шу пайт кимнингдир
ёқимли овози эшитилди.

— Буларнинг навбати бор
эди, — дея Собитни кўрсат-
ди. — Улар учун ҳам навбат
олишган.

Мен унга ялт этиб тикил-
дим. Озгингина, рангпар қиз
ҳалиги кишига шундай тик-
килдик, жанжалкаш киши
қўл силтаб:

— Бўлса бўлар, менга
нима. Кетавермайдими, —
деди.

Мен қизга қарадим.

— Раҳмат сизга, олижа-
ноблик қилиб юбордингиз.
Бўлмаса ҳаётим хавф ости-
да қолувди, — деб миннат-
дорчилик билдирган
бўлдим.

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг
кўпинча қизни шу ерда уч-
ратардим. Биз баъзида та-
нишлардек бош ирғаб са-
ломлашиб кўярдик. Бир кун
Собит билан турганимизда
қиз келиб қолди. Эгнида ўша
кўйлак. Қўлида эса кўпол

нима дейишимни билмай
қолдим.

— Сизники-чи?

— Фаррух.

У бош чайқаб кўйди. Ке-
йин ногаҳон келган фикр-
дан суюниб кетдим.

— Эртага шу вақтда
ишдан бўшайсизми, —
деб сўрадим.

— Ҳа.

— Менга
навбат олиб

кўймай-
сизми?

Киз

са-

дан бошини чиқариб турган
ўттиз ёшлар чамасидаги йи-
гит қизга нималарнидир бу-
юрди-да, орқасидан «тез бўл»
дея қўл силтади. Қиз югу-
риб кетди. Овқатлангандек
ҳам бўлмадим.

Шу куни қизни кўриб, ба-
фуржа гаплашиб олишга аҳд
қилдим. Негадир у бекатга
келмади. Эртасига эса соат
олтиларда уни ошхона ол-
дида кутишга аҳд қилдим. У
яна чиқмади. Хавотир ола
бошладим. Таваккал қилиб
ичкарига кирдим. Йўлакда
тўладан келган рус кассир
аёлни учратиб, Сотқинойни
суриштирдим. У гавдасига
ярашмаган эпчиллик билан
елка қисди-да, қўлларини
ёйганича:

— Билмадим, негадир
келмаяпти, — деди. Кей-
ин бир нарса ёдига
тушгандек деразага
қараб, бор овози

ўқий олмайман. Чунки
ойимларни боқишим керак.
Улар менга ҳаётларини ба-
ғишлаганлар. Ёшлигимда
жуда касалманд бўлганман.
Мени бир ўзлари катта қил-
ганлар. Энди эса қариб қол-
дилар. Уларга қараш бур-
чим-ку.

— Ҳа, албатта, — шоши-
либ жавоб бердим.

— Биласизми, касал одам,
яъни бировга муҳтож киши-
нинг жуда ҳам кўнгли нозик
бўлади. Буни яхши била-
ман.

— Қаердан биласиз?

— Илгари касалхонанинг
реанимация бўлимида ишла-
ганман. Ниҳоятда оғир касал-
лар ётишади. Баъзилари опе-
рациядан сўнг узоқ яшамай-
ди. Шунинг учун ҳаммага
ўзига яраша муомала қилиш
керак бўларди. Биласизми,
бир куни оғир касални опе-
рациядан олиб чиқишди.

Ҳалати қиз

қилиб қоғозга ўралган нар-
са. У мени кўриб бош сил-
киди. Унга яқинлашиб
сўрашдим. Собит мендан:

— Танишингми? — деб
сўради.

— Йўқ...

— Унда нимага сўрашяп-
сан?

Жавоб беролмай қолдим.
Собит кўзлари билан
аланглаб такси келадиган
томонга тикиларди. Кейин
кўшиб кўйди:

— Мен эса урушиб қол-
ганман.

— Ким билан? — сўрадим
ундан.

— Анави ҳозир сўрашган
нусханг билан-да.

— Сен уни танийсанми? —
негадир шошилиб сўрадим.

— Ҳа. Хув анави ошхона-
да ишлайди.

Кишида баъзан қизиқ бир
ҳолат бўлади. Янги таниш-
ган одамнинг қандайдир сир-
ли туюлади. Шу тобда қиз
биздан нарироқда турарди.
Олдимиизга такси келиб
тўхтади. Ҳамма навбат билан
таксига чикди. Лекин қиз
ўзидан кейин турган болали
аёлга юзланди.

— Опажон, чиқа қолинг.

— Йўқ-йўқ, ўзингиз чиқа-
веринг, — аёл кўнмади.

— Чиқа қолинг, опа, бола
билан қийналиб қолибсиз.

Аёл таксига чикди.

Буни кўриб қизга яна
қизиқишим ортди. Бир куни
гўё эски танишлардек олди-
га келиб сўрашдим. У мен-
дан шошилиб сўради:

— Билмайсизми, такси
кетганига анча бўлдими?

— Йўқ. Шошиб турибсиз-
ми, дейман?

— Ҳа.

— Бўлмаса менинг ўрним-
га ўта қолинг.

— Нега?

— Нимага бўларди ахир,
тушунмай сўрадим ундан.

— Шошиб турибман деяп-
сиз-ку...

— Йўқ.

Собитнинг гапи эсимга
тушди. Яна қиздан сўрадим:

— Ҳар куни ишлайсизми?

— Ҳа.

— Исмингиз нима?

— Сотқиной, — кейин
чўчиб қўшиб кўйди, — хунук
исм-а?

— Йўқ, нега энди... —

росималаниб қолди.

— Билмадим...

Гаплашаётганда у нега-
дир ҳаяжонланарди. Мен
эса уни тинчитиш мақсади-
да:

— Кўнглингизга яна
бошқа нарса келмасин, —
дедим.

— Йўқ, нега энди. Сиз
унақа одамга ўхшамасиз-
ку.

— Ўхшамаслигимни қаер-
дан билдингиз? — сўрадим
ундан ҳазиллашиб. У узун
қўлларини қаерга яшириш-
ни билмасди. Шу куни мен
ундан олдинроқ жўнаб кет-
дим.

Бир куни Собитни зўрлаб
қиз ишлайдиган ошхонага
олиб бордим. У йўлда ке-
таётди:

— Сенга нима бўлди? У
ерга қадамнинг босмас-
динг-ку. Ёки... — кейин ку-
либ кўшиб кўйди. — Эсинг-
дами анави қиз бор-ку, у
ўша ерда ишлайди, — деди.

Ундан қиз ҳақида батаф-
силроқ маълумот олмоқчи
бўлиб сўрадим:

— Сен уришиб қолганман
девинг шекилли?

— Ҳа, шундай бўлганди.
Овқатланиш учун борган-
дик. Учинчи курсдаги Шўх-
рат бор-ку. Қошиқни нон
билан артаётганда келиб
мингиллади. Сени нима
ишинг бор, дедим. Ўзи-ку
стол устини йиғиштириб
юрадиган, ҳалиги, нима
дерди... Бизга келиб наси-
ҳат қила бошлади. Биз эса
насихатингни онанга қил,
дедик. Тилини бермайди.

Шундан буён кирганим йўқ
у ерга.

Гап билан бўлиб ошхона-
га этиб келганимизни ҳам
сезмай қолибмиз. Биринчи
кўзим тушган киши ўша қиз
бўлди. Уни кўрди-ю Собит
тескари ўгирилди. У оқ ха-
лат кийиб олган, қўлида
сочик. Столларни тартибга
келтириб юрарди. Тўғриси-
ни айтсам, уни бу ахволда
кўраман деб сира ўйлама-
гандим. Ёш қиз бирор
бошқа касбни эгалласа
бўлмайди? Уни кузата
бошладим. Бу ерда у ўзини
эркин тутарди. Баъзи хўран-
далар билан бош ирғаб
сўрашарди. Шу пайт ойна-

билан чақирди.

— Аҳмад...

Деразадан паст бўйли,
қотмадан келган йигит
кўринди. У бош ирғаб, са-
вол назари билан кассирга
қаради.

— Анави қиз нега ишга
чиқмаяпти, билмайсанми? —
деди кассир ўзбекчалаб.
Йигит менга ажабланиб тик-
килди-да, ўсмоқчилаб:

— Қариндошимисиз? —
деб сўради.

— Йўқ, шундай таниши-
ман, — жавоб бердим ҳижо-
лат тортиб.

— Ҳа-а, — чўзиб деди йи-
гит. Кейин қўшиб кўйди. —
Жавоб олиб кетди.

У шундай деди-ю «лип»
этиб, дераза олтидан ғойиб
бўлди.

Уч кун ўтгач, қизни учрат-
ганимда унинг ранги яна ҳам
синиқиб кетганди. Мени
кўриб қувонди.

— Ишхонамизга сиз бор-
ганмидингиз? — деди.

— Ҳа, мен борувдим.

— Айтишди. Ўзим ҳам сиз
бўлсангиз керак, деб ўйлов-
дим. Кечирасиз, сизни ака
деб чақирсам майлими?

Унинг гапидан ҳайрон
қолдим. Тахминимча, у мен-
дан икки-уч ёш катта эди.
Лекин сир бой бермай:

— Албатта, бемалол, —
деб кўйдим.

— Акам бўлишини жуда-
жуда хоҳлардим.

— Акангиз йўқми?

У ғамгин бош силкиди.

— Ака-укаларим йўқ.
Ойим билан ёлғиз яшаймиз.
Кексайиб қолганлар. Тобла-
ри йўқ эди. Шунинг учун жа-
воб сўрагандим.

— Тузукмилар?

— Раҳмат.

Мен энди қиз билан очик-
часига гаплашиб олмоқчи
эдим. Бошида гапни нима-
дан бошлашни билмай чай-
налдим.

— Сиз бошқа ишга кир-
сангиз қандай бўларкин?

— Қиз ялт этиб менга қара-
ди.

— Қанақа ишга?

— Ҳозирги ишингиз сиз-
боп эмас. Фақат мени тўғри
тушунинг. Ўқийингиз керак.
Ҳали жуда ёшсиз-ку.

— Ҳа, албатта, — ўйланиб
жавоб берди қиз. — Лекин

Ўзига келгач, мен билан гап-
лашиб ўтирди. Гапиратиб
болаларининг ёшлигини ай-
тиб, йиғлаб юборди. Мен
унинг атрофидан парвона
бўлдим. Сменадан сўнг у
қўлларимдан ўлиб, мени
қизим деб атади. Кўнглим бу-
зилиб кетди. Шу киши учун
жонимни ҳам беришга тайёр
эдим. Уч кундан сўнг уни па-
латага ўтказишди. У ерга бо-
риб кўриб турдим. Чунки опе-
рация анча оғир ўтганди. Ту-
залиб чиқиб кетди. Уни икки
йилдан сўнг кўриб қолдим.

Катта раҳбар экан. Ўша кун-
ларни бироз эслашгандек
бўлди. Лекин у энди бутун-
лай ўзгариб кетганди. Ово-
зидан ночорлик эмас, балки
қатъийлик ва ҳокимлик сези-
ларди. Нега шундайлигини
узоқ ўйладим. Кишининг бо-
шига бирор иш тушса ёки
ўлим кўзига кўринса, бутун-
лай бошқача бўлиб кетади.

Уни диққат билан тингла-
дим. Назаримда, у ҳамма
нарсани биладигандек тую-
ларди.

— Ойимлар етмишдан ош-
ганлар. Касалхонадан
бўшаб, бу ерга ишга кир-
дим. Ошхонада фақат кун-
дузи ишлайман. Ишдали-
гимда ойижонимга қўшнилар
қараб туришади, — деди ва
тикилиб сўради. — Раҳмин-
гиз келдимиз? Фақат тўғри-
сини айтинг.

— Йўқ.

— Ачинишингизни кераги
йўқ. Ойижоним тузалиб кет-
салар бас. Хўп хайр, — у
қўлини чўзди. Қўлини олар-
канман шошилиб:

— Сизни кузатиб қўйсам
майлими? — деб сўрадим.

Унинг чехраси бирдан
жиддийлашиб:

— Йўқ, — деди.

Кейин эса овози бироз
юмшаб:

— Шундай бўлиши керак,
хайр, — дея жўнаб кетди.

Мен шу ерда анчагача ту-
риб қолдим. Қизнинг сами-
мийлигига ҳавасим келарди.
Ушбу танишув менга кўп
нарса берди. Энг асосийси,
кишилардаги ташқаридан
билинмайдиган, аммо улар-
даги мавжуд хислатларни
ахтара бошладим.

Хафталик TV дастури 27 ноябр - 3 декабр

Душанба 27

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлилнома". 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 9.00 "Олам ва одам" дастури: "Француз калъалари". "Болалар сайёраси": 9.50 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. 10.30 ТВ анонс. 10.35 "Одами эрсанг, " 10.55 "Дунё иклими". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "Шахсий фикр". 11.50 "Дил таронаси". 11.55 "Муҳаддас қадамжолар". 12.20 "Эргинаминг орзуси". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 13.45 Олтин мерос. 13.55 "Дунё иклими". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция". Хужжатли телесериал. 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Ватанпарвар". 16.15 "Қишлоқ ҳаёти". 16.35 ТВ анонс. "Болалар сайёраси": 16.40 "Эртаклар - яхшиликка етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Равнак" студияси намойиш этади. 17.35 2006 - Хомийлар ва шифокорлар йили. "Эзгулик". 17.55 "Оханглар оғушида". 18.05 "Умр дафтари". 1-қисм. 18.25 ТВ анонс. 18.30 "Филипп Марлоу". Телесериал. 19.00 "Алло ўйинчи". Телелотерея. 19.15 ТВ анонс.

19.20 "Дунё иклими". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари". Телесериал премьераси. 20.50 "Дунё иклими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки." 22.00 "Сарой жавоҳири". Телесериал. 23.10 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш) 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Француз калъалари". 00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

17.55 Дастур очилиши. 18.00 "Шимол тафти". Сериал. 18.30 UzEX. 18.40 Олов билан юзма-юз. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 ДАВР. 19.30 Наво-SMS. 19.40 "Саломея". Сериал. 20.10 Спорт-лото. 20.15 Ракурс. 20.30 UzEX. 20.35 "Комусим - номуслим" 20.40 "Ошufta". Аслиддин Дустов. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 22.00 ДАВР. 22.30 Дилрабо. 22.45 "Саломея". Сериал. 23.20 - 23.25 Тафаккур нури.

TOSHKENT

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм. "Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари". 18.10 "Телекурьер - маркет". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 18.45 "Анонс". 18.50 "Гавадалупе". Телесериал. 19.30 "Музыка SMS".

19.50 2006-йил -?омийлар ва шифокорлар йили. "Саломат бўлинг"/рус/ 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 20.15 "Анонс". 20.20 "Эрудит"/рус/. 20.35 Хайвонот дунёси. "Китлар" 1-қисм/рус/. 21.00 "Интервью"/рус/. 21.10 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 21.45 "Анонс". 21.50 "Телекурьер - маркет". 22.10 "Аёл қалби". 22.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 22.45 "Анонс". 22.50 Кино: "Муҳаббат тарихи"/рус/. 00.05 - 00.10 Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 27 ноябр кuni "Sport" телерадиоканали уз курсатувларини 18.00 дан бошлайди. 18.00 Мультфильм. 18.30 "Хабарлар" (рус. тилида) 18.50 "Футбол шархи". 19.10 "Мени кутгил". 20.00 "Вести". 20.20 "Тет-а-тет". 20.30 Гимнастрада. Республика фестивали. 21.30 "Хабарлар" (узб. тилида) 21.50 "Проф-РИНГ". 22.40 Футбол. Англия премьер лигаси. "Манчестер Юнайтед". "Челси". 00.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости 9.05 "Малахов+" 10.00 "Агент национальной безопасности". Многосерийный фильм 11.00 «Сестры по крови». Многосерийный фильм 12.00 Новости 12.30 «Лолита. Без комплексов» 13.25 «Детективы» 14.00 Другие новости 14.25 «Контрольная закупка» 15.00 Новости (с субтитрами) 15.15 Вне закона. «Мертвая петля» 15.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм 16.55 «Федеральный судья» 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.20 «Пять минут до метро». Многосерийный фильм

19.10 «Жди меня» 20.00 «Сестры по крови». Многосерийный фильм. 21.00 Время 21.30 «За все тебя благодарю». Многосерийный фильм 23.25 «Прислуга. Чужие в доме» 0.30 Ночные новости 0.40 Теория вероятности. «Революция полов» 1.30 Приключенческий фильм «Пришелец» (2002 год) 3.00 Время 3.30 Приключенческий фильм «Пришелец». Продолжение 3.45 «Что? Где? Когда?»

РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия!» 08.45 Д/ф «Убить Гитлера». Фильм 1. 09.45 «Вести. Дежурная часть». 10.00 Д/ф «Убить Гитлера». Фильм 2. 11.00 «Вести». 11.30 «Местное время. Вести - Москва». 11.50 «Комната смеха». 12.50 «Частная жизнь». 13.45 «Вести. Дежурная часть». 14.00 «Вести». 14.20 «Местное время. Вести - Москва». 14.40 Х/ф «Первый после Бога». 16.40 «Вести. Дежурная часть». 17.00 «Вести». 17.20 «Местное время. Вести - Московская область». 17.40 Т/с «Обреченная стать звездой». 18.40 Т/с «Волчица». 19.40 «Вести. Дежурная часть». 20.00 «Вести». 20.45 «Местное время. Вести - Москва». 21.05 «Спокойной ночи, малыши!» 21.15 Т/с «Каменская». «Личное дело». 23.15 «Мой серебряный шар. Вера Марецкая». 00.15 «Вести +». 00.35 «Честный детектив». 01.05 «Синемания». 01.40 «Дорожный патруль». 01.55 Х/ф «Зубастики 4». (США). 03.25 Канал «Евроньюс». 04.45 «Вести. Дежурная часть».

НТВ

06.00 «Сегодня утром». 09.00 «Следствие вели...» 10.00 «Сегодня». 10.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю». 10.55 «Кулинарный поединок». 11.55 «Квартирный вопрос». 13.00 «Сегодня». 13.30 Т/с «Сыщики 3».

15.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 16.00 «Сегодня». 16.25 Т/с «Опера. Хроники убойного отдела». 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор». 19.00 «Сегодня». 19.45 Т/с «Врачебная тайна». 20.50 Т/с «Улицы разбитых фонарей 7». 22.00 «Сегодня». 22.40 Т/с «Молодые и злые». 23.45 Т/с «Слепой». 00.45 «Школа злословия». 01.40 Комедия «Энни Холл». (США). 03.15 «Совершенно секретно. Информация к размышлению». 04.00 «Криминальная Россия». 04.30 «Кома: это правда». 04.55 Т/с «Любовь вдовца 2». (США). 05.35 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».

ТВ-3

07.30 Победоносный голос. 08.00 Х/ф «Место встречи изменить нельзя». 10.30 Т/с «Комната смеха». 11.00 Х/ф «Площадь Вашингтона». (США). 13.15 Х/ф «Первый троллейбус». 15.00 Скетч-шоу. 15.30 Т/с «Комната смеха». 16.00 Х/ф «Маленькие герои 2». (США). 18.00 Х/ф «Тумстоун». (США). 20.30 Киномания. 21.00 Х/ф «Даже не думай!» 22.45 Х/ф «Внезапная смерть». (США). 01.00 Т/с «Клиент всегда мертв», 11 с. 02.00 Х/ф «Кровавая слава». (США).

СТС

08.00 М/с «Полиция будущего». 08.45 М/ф «Квартет». 08.55 М/с «Смешарики». 09.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей». 09.30 Т/с «Кто в доме хозяин?» 10.00 Т/с «Все смешалось в доме...» 11.00 Истории в деталях. 11.28 Настроение с Е. Гришковцом. 11.30 Т/с «Зачарованные». 12.30 Х/ф «Городские пикники. Легенда о золоте Кудри». 14.50 Т/с «Кто в доме хозяин?» 15.20 М/ф «Ну, погоди!» 15.30 М/с «Годзилла». 16.00 М/с «Смешарики». 16.05 М/с «Приключения Вуди и его друзей». 16.30 М/с «Оливер Твист». 17.00 М/с «Соник Икс».

17.30 М/с «Что новенького, Скуби Ду?». 18.00 М/ф «Том и Джерри». 18.30 Т/с «Комиссар Рекс». 19.30 Т/с «Тайны Смольяны». 20.30 Т/с «Кто в доме хозяин?» 21.30 Истории в деталях. 21.58 Настроение с Е. Гришковцом. 22.00 Т/с «Все смешалось в доме...» 23.00 Т/с «Моя прекрасная няня». 23.30 Х/ф «14.14». 01.30 Т/с «Кто в доме хозяин?» 02.00 Истории в деталях. 02.28 Настроение с Е. Гришковцом. 02.30 Детали. 03.30 «Мертвая зона» Стивена Kinga. 04.15 Т/с «Новая Жанна Д'Арк». 05.45 Т/с «Дорогая, я уменьшил детей». 07.05 Музыка на СТС.

DTV-VIASAT

8.30 Мультфильм. 10.00 Самое смешное видео. 10.25 Фильм-расследование «Как уходили кумиры». «Элем Климов». 10.55 Музыкальная программа «Неслучайная музыка». 11.00 Телемагазин. 11.25 Автоновости «Карданный вал +». 11.50 Художественный фильм «ИНТУИЦИЯ». 14.00 Приключенческий сериал «РЫЦАРЬ ДОРОГ». 15.00 Детективный сериал «КРУТОЙ УОКЕР». 16.00 Юмористический журнал видеоклипов «Каламбур». 16.30 Мультфильм. 16.45 Мультфильм. 17.00 Мультфильм. 17.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры». «Элем Климов». 18.00 Русский фильм. «КОНТРОЛЬНАЯ ПО СПЕЦИАЛЬНОСТИ». 19.50 Музыкальная программа «Неслучайная музыка». 20.00 Юмористическая программа «Фабрика смеха». 21.00 Приключенческий сериал «РЫЦАРЬ ДОРОГ». 21.55 Самое смешное видео. 22.25 Юмористический журнал видеоклипов «Каламбур». 22.55 Юмористический журнал видеоклипов «Каламбур». 23.30 Хит-парад авантюра «Осторожно, афера!» 0.00 Детективный сериал «С.С.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС». 1.00 Детективный сериал «ЛАС-ВЕГАС». 2.00 Автоновости «Карданный вал +». 2.25 Ночная развлекательная программа «Каприз». 2.55 Ночная развлекательная программа «Каприз». 3.15 Юмористическая программа «В засаде». 3.35 Музыка на ДТВ.

Сешанба 28

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ анонс. 8.40 Олтин мерос. 8.45 "Олам ва одам" дастури: "Француз калъалари". "Болалар сайёраси": 9.35 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа. 2. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. 10.35 "2006 - Хомийлар ва шифокорлар йили". "Эзгулик". 10.55 "Дунё иклими". 11.00 "Ахборот". 11.10 ТВ анонс. 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Телесериал. 11.55 "Дил таронаси". 12.00 "Ахборот" (инглиз тилида) 12.10 ТВ анонс. 12.15 "Куз наволари". Музыка фестивали. 12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал. 13.50 Олтин мерос. 13.55 "Дунё иклими". 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Олам ва одам" дастури: "Экспедиция". Хужжатли телесериал. 15.10 "Ватан ҳақида қўшиқлар". 15.20 "Закова". "Болалар сайёраси": 16.20 "Эртаклар - яхшиликка етаклар". 16.40 "Аёл ва идрок". 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Эски альбом. 17.20 ИВВ хабарлари. 17.35 ТВ анонс. 17.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан. "Хайтимак қомуси". 18.00 "Оханглар оғушида". 18.10 "Умр дафтари". 2-қисм. 18.30 "Филипп Марлоу". Телесериал. 19.00 ТВ анонс. 19.05 "Сизнинг адвокатингиз". 19.10 "Банк ва мижоз". 19.20 "Дунё иклими". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари". Телесериал. 20.50 "Дунё иклими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 Эркин маъзу. 22.00 "Сарой жавоҳири". Телесериал. 23.10 "Қушигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз

берил) 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Француз калъалари". 00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

5.55 Дастур очилиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 8.40 Journal. 9.55 Ватаним! 10.00 Давр. 10.15 Тафаккур нури. 10.20 "Муҳаббат қаҳаси". Сериал. 11.50 Жаҳон операсидан: "Марварид изловчилар". 12.00 ЯНГИ КУН. 13.00 Давр. 13.15 "Комусим - номуслим" 13.20 Мўйқалам сеҳри. 14.00 "Шимол тафти". Сериал. 14.30 Интерфутбол. 16.00 Давр. 16.15 Ёшлик наволари. 16.30 "Сеҳрли тош". Сериал. 17.00 Даврининг боласи. 17.10 "Селестин". Мультсериал. 17.20 Болалар табассуми. 17.25 Таллим ва тараккиёт. 17.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг. 14 йиллиги олдидан: "Истикфол тинчлоқлари". 17.55 Тафаккур нури. 18.00 "Шимол тафти". Сериал. 18.30 Дилрабо. 18.45 ТВ-банк. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00 ДАВР. 19.30 Наво-SMS. 19.40 "Саломея". Сериал. 20.10 JOKER телелотереяси. 20.15 ДаврА. 20.45 Наво-SMS. 21.05 Ўзлонлар. 21.15 "Муҳаббат дардлари". Сериал. 22.00 ДАВР. 22.30 Дилрабо. 22.45 "Саломея". Сериал. 23.20 - 23.25 Тафаккур нури.

TOSHKENT

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнглилар инфор-мацияси мушукнинг дастур. 8.30 "Анонс". 8.35 "Гавадалупе". Телесериал. 9.15 "Телекурьер-маркет".

9.30 "Аёл қалби". 9.50 "Анонс". 9.55 "Мулоҳаза учун мавзу". 10.25 "Музыка SMS". 10.45 "Саломат бўлинг"/рус/. 10.55 "Туризм ҳақида"/рус/. 11.25 "Интервью"/рус/. 11.35 "Анонс". 11.40 "Эрудит"/рус/. 11.55 - 13.10 Кино. "Муҳаббат тарихи"/рус/. *** 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм. "Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари". 18.10 "Телекурьер-маркет". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 18.45 "Анонс". 18.50 "Гавадалупе". Телесериал. 19.30 Музыка SMS. 19.50 "Согини". 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 20.15 "Анонс". 20.20 "Эрудит" (рус) 20.35 Хайвонот дунёси. "Китлар" 2-қисм/рус/

SPORT-TV

21.00 "Репортаж". 21.10 "Жозиба". 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 21.45 "Анонс". 21.50 "Телекурьер-маркет". 22.10 "Энг Кулгули видео"/рус/. 22.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 22.45 "Анонс". 22.50 Кино. "Арзон гаров"/рус/. 00.20 - 00.25 Хайрли тун, шахрим".

ПЕРВЫЙ

7.00 "Бардам бўлинг". 8.00 "Хабарлар" (рус. тилида) 8.20 "Болалар спорти". 8.35 "Хайвонот олами". 9.00 "Хабарлар" (узб. тилида) 9.20 Кураш. Ўзбекистон кубоги. 9.50 "Детективлар". 10.20-10.55 Мини футбол. Ўзбекистон чемпи-онати. *** 18.00 "Болалар спорти". 18.15 Мультсериал. 18.30 "Хабарлар" (рус тилида) 18.50 "Тилпи билан олам бўйлаб". 19.15 XV Оснэ ўйинлари. Футбол. Ўзбекистон-БАА Танаффусда "Вести". 21.10 "Баҳодирлар ўйини". 21.30 "Хабарлар" (узб. тилида) 21.45 XV Оснэ ўйинлари. Футбол. 23.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

12.50 «Частная жизнь». 13.45 «Вести. Дежурная часть». 14.00 «Вести». 14.20 «Местное время. Вести - Москва». 14.40 «Суд идет». 16.00 «Кулагин и партнеры». 16.40 «Вести. Дежурная часть». 17.00 «Вести». 17.20 «Местное время. Вести - Московская область». 17.40 Т/с «Обреченная стать звездой». 18.40 Т/с «Волчица». 19.40 «Вести. Дежурная часть». 20.00 «Вести». 20.45 «Местное время. Вести - Москва». 21.05 «Спокойной ночи, малыши!» 21.15 Т/с «Каменская». «Личное дело». 23.15 Д/ф «Один в поле воин. Академик Лихачев». 00.15 «Вести +». 00.35 Х/ф «Идеальный мир». (США). 03.15 «Дорожный патруль». 03.25 Т/с «Закон и порядок». (США). 04.15 Т/с «Доктор Вегас». (США).

РОССИЯ

5.00 «Доброе утро, Россия!». 8.45 «Тайна семейной жизни педагога Макаренко». 9.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 10.00 «Опера. Хроники убойного отдела». «Сафарин для покойника». 11.00 ВЕСТИ. 11.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 11.50 «Опера. Хроники убойного отдела». «Сафарин для покойника». 12.50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Лией Кремль. 13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 14.00 ВЕСТИ. 14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 14.40 «Суд идет». 16.00 «Кулагин и партнеры». 16.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 17.00 ВЕСТИ. 17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 17.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал. 18.40 «Волчица». Телесериал. 19.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 20.00 ВЕСТИ. 20.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 21.05 «Спокойной ночи, малыши!». 21.15 ПРЕМЬЕРА. «Опера. Хроники убойного отдела». «Случайная встреча». 23.15 «Мой серебряный шар. Петр Алейников». Вудулай - Виталий Вульф. 0.15 «ВЕСТИ!». 0.35 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Жан-Клод Ван Дамм и Лэнс Хенриксен в боевике Джона Ву «Трудная мишень» (США), 1993г. 2.25 «Дорожный патруль». 2.45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США). 3.30 ПРЕМИЯ «ЭММИ». Телесериал «Антверпенский» (США), 1996г. 4.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.

